ISSN 2181-5291

# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2021

www.psixologiyabuxdu.uz

1. Медведева, Е. А., Левченко И. Ю. Артпедагогика и арттерапия в специальном образовании. — М.: Издательский центр «Академия», 2001.
2. Сучкова, Н. О. Арт-терапия в работе с детьми из неблагополучных семей. — СПб.: Речь; М.: Сфера, 2008.
3. Останов Ш.Ш. развитие креативности у подростков и старших школьников средствами арт-терапии. - Вестник интегративной психологии // Журнал для психологов Вып. 21. /Под ред. В.В.Козлова. – Ярославль: МАПН, 2020. – 274-278 с.
4. Ш.Ш.Рустамов. Возможности программы SPSS при обработке данных массового тестирования. Вестник интегративной психологии (Ярославль, выпуск 18, 2019.стр. 199-203)



***Рустамов Шавкат Шухратович,***
*Бухоро давлат университети психология кафедраси ўқитувчиси,*

# АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГЛАРНИНГ МАТЕМАТИК КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТ ДОИРАСИДА ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада мактаб амалиётчи психологларининг касбий компетенлигини оширишда математик усуллардан фойдаланиш, улардан олинган эмпирик маълумотлар тавсифи ҳақида фикр боради.*
***Калит сўзлар:*** *компетенлик, интеллект,* математик компетентлик, профессионал компетентлик, математик статистика.
***Аннотация:*** *В данной статье дается представление об использовании математических методов в повышении профессиональной компетентности школьных практикующих психологов, дается описание полученных с их помощью эмпирических данных.*
***Ключевые слова:*** *компетентность, интеллект, математическая компетентность, профессиональная компетентность, математическая статистика.*
***Abstract:*** *This article gives an idea of the use of mathematical methods in increasing the professional competency of school practicing psychologists, a description of the empirical data obtained from them.*
***Key words:*** *competence, intelligence, mathematical competence, professional competence, mathematical statistics.*

Дунёнинг халқаро илмий марказларида амалиётчи психологларининг математик компитентлик, ижодий-яратувчанлик, психологларни мантиқий фикрлашга йўналтириш, гуманитар фанларнинг математика соҳаси билан ўзаро интеграцияни ўрганиш, инновацион, техник тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари, психологик маълумотларни математик-статистик усуллар орқали қайта ишлашга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Глобаллашув ва ахборотлар кўламининг интенсивлашуви шароитида психология соҳаси бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда компьютер усулларидан фойдаланиш тобора кенг тарқалиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири кенг кўламли илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришга, индивидуал тарзда диагностик ишларни олиб боришни тезлаштириш, осонлаштиришга имкон берувчи ташхис методикаларининг компьютер вариантларининг яратилиши бўлса, иккинчиси, статистик танламаларнинг репрезентативлигига, маълумотларнинг статистик таҳлили негизида чиқарилган хулосаларнинг асослилигига талабнинг кучайишидир.

Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, умумий ўрта таълим учун давлат таълим стандартлари ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ўқитишнинг илғор ёндашувларини жорий этиш бўйича олиб борилган islоҳотлар натижасида мактаб амалиётчи

психологларининг касбий компитентлиги математик билимларни эгаллаш орқали юксалтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш” каби вазифалар белгиланган.

Психология фанида айнан амалиётчи психологлар касбий компетентлиги муаммосига бағишланган адабиётларни таҳлил қилар эканмиз, улардаги касбий компетентлик методологиясига даҳлдор айрим психологик хусусиятларни назарий жиҳатдан изоҳлашга ҳаракат қилдик. Илмий адабиётларнинг таҳлилига қараганда, касбий компетентликни аниқлашга доир тадқиқотчилар томонидан турли ёндашувлар мавжуд.

Касбий компетентлик – ижтимоий психологик муаммо сифатида касбий фаолият доирасида қай тарика ва қандай ўрганилганлигини таҳлил қилиш ва талқин қилиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Чунки касбий компетентликка оид олиб борилган назарий–илмий ва амалий-услубий тадқиқотлар кўламига маълум тартибда баҳо бермай туриб, халқ таълими тизимида фаолият юритаётган амалиётчи психологларнинг касбий компетентлигини касбий фаолият доирасида такомиллаштириш ва ривожлантириш масаласи ҳақида фикр-мулоҳаза юритиб бўлмайди. Амалиётчи психологлар фаолиятига қўйиладиган талабларнинг анчагина масъулиятли эканлиги кўп ҳолларда касбий компетентликка таъсир қилувчи омилларга боғлиқдир.

Хорижий ва маҳаллий психология мактабларида ўқитувчи шахсини ривожлантириш муаммосининг аксиологик ёндашув, генетик ва қиёсий таҳлил усули позицияларидан тарихий географик таҳлил қилиш ўқитувчиларга қўйилган талабларни ўзгартиришда муҳим йўналишларни изга солиш имконини беради. Зеро, қадимги файласуфларнинг асарларида ҳам ўқитувчининг шахс сифатида шаклланиши масалалари кўриб чиқилган. Афлотун, Арасту, Квинтилиан асарларида ўқитувчи шахсининг асосини ораторлик қобилиятлар ривожлантириши, мулоҳаза, баҳс, раддия, ишонтириш, исботлаш санъатида намоён бўлиши лозимлиги таъкидланади. Ўқитувчининг ўз нотиқлигини шакллантириши ва уни болаларга ўргатиш ўқитувчининг тарбиячи ва устози сифатидаги ҳаётий муваффақиятини таъминлайди. Дарҳақиқат, антик даврда ўқитувчи шахсига бевосита талаблар қўйилмаган, аксинча, ўқитувчи жамият тараққиётида катта рол ўйнаганлигига ишора қилинган.

Машҳур файласуф олим Суқрот (эрамиздан аввалги 469 ─ 399) ўқувчилар билан савол-жавоб усули орқали таълим-тарбия беришнинг суҳбат методига асос солган. Софистлар шахсга асосан ташқи кўриниши орқали баҳо берсалар, уларнинг замондоши Суқрот шахсни ички дунёси, ўзига бўлган муносабати нуқтаи назаридан тушунган. Бизга маълумки, илғор жамият фуқаросининг, хусусан ўқитувчининг маънавий бойлиги унинг кенг дунёқараши, теран фикрлаш лаёқати, саводхонлиги, юксак инсоний фазилатларга бойлиги билан баҳоланади. Юнон файласуфи Суқрот “барча иллатларнинг келиб чиқиши илмсизликдандир” деган эди. Шундай экан, ёш авлоднинг юксак билим ва тафаккур соҳиби бўлиши учун барчамиз жавобгармиз. Бу жавобгарлик кўпроқ ўқитувчилар зиммасида.

Суқрот ўзининг демократик ижтимоий келиб чиқишига қарамай (у камбағал ҳунарманд, яъни ҳайкалтарош ўғли) консерватив заминдор аристократларнинг идеологи эди. Бу албатта унинг фалсафий ва педагогик қарашларида ўз аксини топди. Суқрот дунёнинг тузилишини, буюмларнинг физик ҳолатини билиб бўлмайди, одамлар фақат ўзларинигина билиши, ахлоқни камол топтириши лозим деб ҳисоблар эди. Суқрот файласуф бўлиши билан бирга ажойиб нотиқ ҳам эди. У кенг майдонларда сўзга чиқиб, ахлоққа доир масалалар юзасидан суҳбатлар ўтказар, тингловчиларни савол-жавоб йўли билан ҳақиқатни ўзлари топишларига ва билишларига ундар, шу йўл билан одамларни ҳақиқатни излашга ўргатар эди. Суҳбатни бу методи «Суқрот методи» деб юритилган. У педагогика оламига ана шундай савол-жавоб методини, яъни «эвристик» суҳбат методини янги (савол бериш ва саволни тўлдириш) методини олиб кирди. Суқрот — фалсафий диалектиканинг асосчиларидан бири. У баҳс орқали, яъни муайян масалаларни ўртага қўйиш ва уларга жавоб топиш йўли билан педагоглар ҳақиқатни аниқлаш мумкин деб тушунган.

Мамлакатимизда мактаб амалиётчи психологларнинг математик компетенлиги, уларда психологик тадқиқот маълумотларни статистик жиҳатдан қайта ишлаш ва ушбу муаммонинг

замонавий ечимларини ишлаб чиқиш психологиянинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ўзбек олимларидан Ш.Р.Баратов, В.М.Каримова, А.М.Жабборов, З.Т.Нишонова, Н.С.Сафоев, Д.Ғ.Мухамедова, Б.Р.Қодиров, А.А.Расулов, Н.М.Муллабоева, П.С.Эргашев, Г.К.Тулаганова Г.Ш.Саломова, сингари олимлар амалиётчи психологларнинг математик компетенлигини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб борилган. Энди бевосита келтирилган назарий таҳлилларимиз асосида амалиётчи психологлардан тадқиқотимиз методикалари орқали олинган статистик маълумотлар таҳлилларга ўтамиз. Дастлабки Тадиқотимизнинг методикаси методикаси Дж.Равен ва Л.Пенроуз томонидан умумий интеллектни аниқлаш учун мўлжалланган Progressive Matrices (Прогрессив матрисалар) тести ҳисобланади. Муаллифларнинг фикрича бу тест муайян шаклларни, уларнинг хусусиятларини, характерини, ўзаро муносабатларини ёки мажмуасини, муносабатлар йиғиндисини идрок қилиш ҳамда математик компетентлик қобилиятини ўрганишга мўлжалланган.

Рус олимаси **О.А. Козирева** ўз изланишларида касбий етуклик даражалари ва касбий компетентлик шаклланишини қиёслаб ўрганган. Унинг фикрича, касбий етукликнинг учта даражаси мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири «***англанмаган компетентсизлик → англанилган компетентсизлик → англанган компетентлик***» тизимидаги касбий компетентлик даражаларини белгилаб беради (1.1-жадвалга қаранг).

**Жадвал № 1.**

| **Касбий етуклик (профессионализм)нинг даражалари** | | **Касбий компетентлик даражалари** |
|---|---|---|
| ***«Энг мақбул» (истиқболли)*** | **9** | Англанган компетентлик<br>(«Мен нима билишим ҳақида биламан») |
| | **8** | Англанилган компетентсизлик<br>(«Мен билмаслигим ҳақида биламан» |
| | **7** | Англанмаган компетентсизлик<br>(«Мен – ҳеч нарса билмаслигим ҳақида, хеч нарса билмайман») |
| ***«Энг муҳим» «номигагина»*** | **6** | Англанган компетентлик<br>(«Мен нима билишим ҳақида биламан») |
| | **5** | Англанилган компетентсизлик<br>(«Мен билмаслигим ҳақида биламан» |
| | **4** | Англанмаган компетентсизлик<br>(«Мен – ҳеч нарса билмаслигим ҳақида, хеч нарса билмайман») |
| ***«Яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган» (илмли-тарбияли)*** | **3** | Англанган компетентлик<br>(«Мен нима билишим ҳақида биламан») |
| | **2** | Англанилган компетентсизлик<br>(«Мен билмаслигим ҳақида биламан» |
| | **1** | Англанмаган компетентсизлик<br>(«Мен – ҳеч нарса билмаслигим ҳақида, хеч нарса билмайман») |

Шунингдек, амалиётчи психологлар шахси шаклланишида касбий етуклик ва компетентлик аҳамиятини кенгроқ ёритишда мутахассис компетенциялари кластерига мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир.

Касбий компетентликнинг бундай кластери уч хил: (1) **фаолиятни;** (2) **шахслиликни;** (3) **мотивацияни** ташкил қилувчи компетенциялар мажмуида кўринади.

Биз томондан ўтказилган дастлабки тадқиқотлар натижасига кўра, ***компетентлик*** – инсон фаолиятини унинг энг яхши бажарган амалларига нисбатан баҳолашда ёрдам берадиган стандарт, деб айтиш мумкин. Сабаби, бундай баҳоланиш, ўз навбатида, ўзгаришлар шароитида ташкилот фаолиятини яхлит ҳолда ижобий томонга ўзгаришига олиб келади. Охир оқибат, муваффақият эгалари – бу ташкилот, жамият ва муайян шахслар ҳисобланишади.

Умуман олганда, компетенция *муайян шахс* доирасида ўрганилганда, инсоннинг ривожлантириши зарур бўлган кучли томонларини, сифатларини юзага чиқаришда ва ишни энг яхши, самарали бажариш мумкин бўлган усулларини аниқлашда ёрдам берса, *ташкилот*

миқёсида эса ҳамкасбларни ўқитишга бўлган эхтиёжларни ва берилган маслаҳатлар натижасида тўлмай қолган «бўшлиқ»ларни тўлдиришда асқотади.




## 1-расм.Амалиётчи психологларга хоскомпетенциялар кластери

Демак, юқоридаги тўрт босқичли назария, уч босқичли тизим, уч хил кўринишдаги компетенциялар тузилмаси ва кластерда илгари сурилган ғояларга ва яна шу соҳада тадқиқотларни олиб борган олимлар фикрига асосланадиган бўлсак, **компетентлик** – таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун, яъни муайян кишилар (гуруҳлар) малакасини ошириш ва иш(ўқиш) - фаолиятини яхшилаш, касбий компетентли мутахассис шахси шаклланишида ўзига хос **индикатор** сифатида хизмат қилади.

**Хулоса:** Шундай қилиб, олинган тадқиқотлар натижасига кўрса контекстуал, касбий йўналтирилган ёндашув фойдаланишни кенгайтириш, турли ахборот технологиялари кўламини кенгайтириш, замонавий таълим дастурлари талабларини ошириш борасида амалиётчи психологларнинг “касбий-математик компетентлиги” тушунчасини шакллантириш лозим.

**Адабиётлар:**

1. Leahey, T. H. A History of Psychology. — Second. — Englewood Cliffs, NJ: Prentice Hall, 2007.
2. Суходольский Г.В. Математические методы в психологии. - Харьков: Изд-во Гуманитарный Центр, 2006. - 284 с.
3. Batchelder, W. H. Mathematical Psychology // Encyclopedia of Psychology / Kazdin, A. E. — Washington/NY: APA/Oxford University Press, 2002.
4. Ш.Ш.Рустамов. Математическая статистика в системе психологии. Психология. Илмий журнал. – Бухоро 2020. - 143-146 с.
5. Ш.Ш.Рустамов. Анализ психологических данных с помощю программы SPSS. Информационная културa современного детства. Сборник статей Международной научно-практической конференсии Россия, г. Челябинск, 31 октября — 1 ноября 2019 года

| | |
|---|---|
| 3 | ***Баратов Шариф Рамазонович***<br>Психологик хизмат ижтимоий – психологик муаммо сифатида |
| 9 | ***Ҳусейнова Абира Амановна***<br>Ўзбекистонда оилаларнинг мустаҳкамлигига қаратилган ижтимоий-демографик тадқиқотлар ва оиланинг ижтимоий функциялари |
| 15 | ***Усманова Манзура Наимовна***<br>Эмпирическое исследование темперамента личности в профессиональной деятельности педагога |
| 22 | ***Собирова Дилафруз Абдурозиқовна***<br>Тиббиёт ходимларида ижтимоий компетенция омилларини шаклланишнинг ижтимоий-психологик асослари |
| 28 | ***Назаров Акмал Мардонович, Нусратова Меҳринисо Бахшиллоевна***<br>Спортчи талабаларда психологик ҳимоя механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг ўзига хос усуллари |
| 32 | ***Олимов Лазиз Ярашович, Махмудова Зулфия Меҳмоновна***<br>Стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-атвор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари |
| 40 | ***Жумаев Улугбек Сатторович***<br>Параметры межкультурных различий: теории Г.Хофстеде |
| 45 | ***Останов Шухрат Шарифович***<br>Талабаларда креативлик хусусиятларини намоён бўлишининг ўзига хос психологик жиҳатлари |
| 49 | ***Рустамов Шавкат Шухратович***<br>Амалиётчи психологларнинг математик касбий компетентлигини касбий фаолият доирасида тадқиқ этилиши |
| 53 | ***Nazarova Manzura Mustafo qizi***<br>Globallashuv jarayonida milliy til omili |
| 58 | ***Ахмедова Заррина Джамиловна***<br>Ўсмирларда жиноят мотивлари шаклланишини ўрганиш психологик тадқиқот муаммоси сифатида |
| 62 | ***Аъзамова Махлиё Абдурахимовна***<br>Махаллада психологик хизмат кўрсатишнинг эмпирик асослари |
| 67 | ***Остонов Жасур Шопиржонович***<br>Ўсмирларда психологик ҳимоя ва копинг хулқ-атвор омиллари намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари |
| 76 | ***Собиров Абдулазиз Абдурозиқович***<br>Психологические защитные факторы проявляющийся у спортсменов |
| 80 | ***Тилавов Мухтор Ҳасан ўғли, Болтаев Суннат Бахтиёр ўғли***<br>Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш дастури ва тадқиқот натижалари |
| 85 | ***Рўзиев Умар Музаффарович*** |

| | |
|---|---|
| | Ўсмиринларда ижтимоий фобия намоён этилишининг психологик белгилари |
| 89 | ***Ҳакимова Фазолат Хошимовна*** |
| | Мослаша олмаслик хусусиятларининг мактабгача ва кичик мабтаб ёшидаги болаларда турли психологик кўринишлари |
| 92 | ***Ғайбуллаев Алишер Асадович*** |
| | Спортчиларда ҳиссий-иродавий сифатлар шаклланишининг психологик механизмлари |
| 96 | ***Турахонов Абдукарим Эшкузиевич*** |
| | Касбий масъулият ва шахслилик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жиҳатлари |
| 104 | ***Кулиев Ёркин Каримович*** |
| | Психологические особенности саморазвития преподавателей учебных заведений |
| 108 | ***Ermatova Gulnoz Pirimovna*** |
| | Mutafakkirlarimiz asarlarida xalq og`zaki ijodiyoti asosida bola sotsial intellektini shakllantirish masalalarining yoritilishi |
| 114 | ***Қабулов Қосимбой Пиржонович,*** |
| | Касб танлаш мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари |
| 118 | ***Ахмедова Максуда Лочиновна*** |
| | Ўқувчиларда ўзбек мусиқа фольклор ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришнинг психологик имкониятлари |
| | **ҚУТЛОВ** |
| 121 | ***Баротова Дилафруз Шарифовна*** |